ЭРТАГА – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

МАҲСУЛОТ МОСКВА КЎРИГИГА БОРАДИ

"Совпластитал" қўшма корхонасининг ранг-баранг маҳсулотлари шу йил сентябрь ойида Москвада бўладиган халқаро кимё кўргазмасида намойиш этилади. Ўзбек-итальян қўшма корхоналарининг "Сонья", "Тобор", "МВМ" кичик корхоналарида кейинги икки йилда тайёрланган маҳсулотлари кўргазма экспонатлари қаторидан ўрин олади. Чиннидан ишланган махсус совға буюмлари ҳам мижозларни ром этиши мумкин.

Чорос ГАЛИЕВА.

ЯПОНЧА "ХАЙ" – ЎЗБЕКЧА "ХЎБ"

Японнянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кунчиқар мамлакатига қизиқувчилар учун ҳиммат кўрсатди. Ву ерда япон тилини ўрганувчилар учун махсус синфлар ташкил этилди. Элчихона ўқиш ва ўрганишни талаб даражасида олиб бориш учун ўз мамлакатидан олий малакали мутахассис – машунони чақирди. Ўқишлар уч хил синфда – бошланғич, мустақил ўрганувчилар, тадбиркорлар курслари бўйича олиб борилмоқда. Ўқиш давомида тингловчилар ўзбекча "ҳўб" сўзи ўрнига японча "хай" сўзини ишлатишмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАРНИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМИЗ!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 26 июнь, пайшанба № 74 (22.158).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ю. В. САРКИСЯННИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз футболини жаҳонга танитиш ва унинг нуфузини оширишдаги хизматлари ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси катта устози — «Нефтчи» Фарғона футбол жамоаси бош мураббийси Юрий Вазгенович Саркисян «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИ ЯХШИЛАШ, АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ИШИНИ ЯХШИЛАШ ҲАҚИДА

Ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги ишларни яхшилаш мақсадида:

1. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин.

Республикада ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги кўрсатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги инсон ҳуқуқлари бўйича ва бошқа бир қатор манфаатдор ташкилотларнинг «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2.1. Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази давлатга қарашли бўлмаган (нодавлат) мустақил илмий-тадқиқот муассасаси эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказнинг низомида қуйидаги асосий вазифалари белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиниши, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муаммолари, шунингдек ижтимоий муносабатлар ривожининг бошқа долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш;

— мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва таҳлил этиш;

— ислоҳотларнинг долзарб муаммолари, аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг қарорларини тушунишлари юзасидан жамоатчилик фикрининг устувор йўналишларини аниқлаш;

— кишилар дунёқарашининг шаклланишидаги асосий йўналишлар, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онгнинг ҳолати ва мазмунини аниқлаш;

— аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти савиясини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

— жамоатчилик фикрини ўрганишнинг услубий асосларини такомиллаштириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил қилиш;

— ижтимоий тадқиқотлар ўтказишнинг илмий-услубий талабларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровлар ўтказиш.

2.2. Жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» махсус даврий журналини ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилишга рухсат берилсин.

2.3. Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига хориждаги шу йўналишда иш юритувчи ташкилотлар билан халқаро алоқаларни амалга ошириш, унинг сўровларига мувофиқ тегишли ахборотларни тақдим қилиш борасида ёрдам кўрсатсинлар.

2.4. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиялари ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

3. Тошкент Давлат юридик институти ҳузурида ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг минтақавий бўлимлари тузилсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари қошида жамоатчилик асосида ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг бўлимлари ташкил қилинсин.

3.1. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагича белгилансин:

— мамлакатда ҳуқуқий таълимни ташкил қилишга ёрдамлашиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий соҳадаги таълим ишларини услубий жиҳатдан таъминлаш;

— аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий турларини татбиқ этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида янги қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни даврий умумлаштирилишини амалга ошириш ҳамда уларни марказнинг минтақавий бўлимларига етказиш;

— ҳуқуқий таълимнинг ҳолатини умумлаштириш ва таҳлил қилиб бориш, уларни яхшилаш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

— жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш.

3.2. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг таълим борасидаги ишларини ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан мувофиқлаштирсинлар, унинг сўровларига кўра лекциялар ўқиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун тегишли мутахассисларни ажратиб, ҳар томонлама кўмак берсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази тузилсин, мазкур марказда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, мулкчилик туридан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг ўқитилиши кўзда тутилсин.

4.1. Қуйидагилар юристлар малакасини ошириш марказининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

а) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

б) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшуносларо орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш;

в) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан алоқаларни амалга ошириш.

4.2. Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратилаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

4.3. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли билан жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

4.4. Юристлар малакасини ошириш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

6. Адлия вазирлиги давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг республика аҳолиси учун илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни нашр қилишини кенгайтириш борасида фаолияти дастурини ишлаб чиқсин (мавзули дастурлар ҳам шу жумладан).

6.1. Аҳолига сотиладиган ҳуқуқий илмий-оммабоп адабиётлар ва кўргазмали қўлланмалар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланиши белгилансин.

6.2. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ҳузурида илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро республика мувофиқлаштирувчи-услубий кенгаши тузилсин.

6.3. Мазкур кенгашга нашр қилишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларни илмий-оммабоп адабиётлар мақомига киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарорлар қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 июнь.

Муҳаррир минбари

ЎЗ ХАЛҚИНИНГ ВИЖДОНИ

Газета — сиёсат майдони. Матбуот — сиёсат воситаси. Журналистика сиёсат билан шуғулланиш демакдир. Сиёсат фикрдан бошланади. Фикрда давом этади. Фикрдан фикрсизлик чекинади. Фикрга фикр пешвоз чиқади. Фикр — ҳаракатда. Фикр — сиёсат. Бугунги ўзбек журналистикасининг суяги — Ватан, либоси — фикр, табиати — мустақилликдир. Журналистикамизнинг бошқа кўпгина давлатлар журналистикасидан афзал жиҳати бор. У ҳуқуқий пойдеворга эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгги сессиясида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонунларнинг қабул қилиниши биз журналистларнинг ҳам, журналистикамизнинг ҳам нуфузини оширди. Энг муҳими, журналистикамизнинг ҳуқуқий йўлини белгилаб берди.

Бу қонунларимизнинг ҳаракати, яъни амалий журналистикага бўлган таъсири ҳозирданоқ сезилмоқда. Газеталаримиз шакл жиҳатидан такомиллашиб, мазмунан ўқишли бўлиб бормоқда. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларнинг танқидий руҳи кучайди. Журналистларимиз ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўяётган маносабдор шахсларни, танқиддан холи деб тушунилган корхоналарни ҳам асосли, факт ва далиллар билан танқид қилмоқдалар. Долзарб мавзуларда мақолалар кўпаймоқда.

Биз журналистлар ҳар қадамда Президентимизнинг бизга бўлган хайрихоҳлигини, қўллаб-қувватлашини ҳис этган ҳолда айрим вазирликлар, вилоят ва туман ҳокимлари ва улар даражасидаги корхона ҳамда ташкилотлар фаолиятидаги нуқсонларни кўрсатиб бермоқдамиз. Бу жамиятда инсонларнинг адолатга бўлган ишончини оширишда жуда муҳимдир. Ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир кимса давлат қонунларидан устун эмаслиги тўғрисидаги тушунча ҳар бир ватандошимиз онгида чуқур илдиз отган бўлиши керак. Бу давлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу вазифани журналистика амалга оширади. Ҳа, ижтимоий адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш журналистикамизнинг энг асосий вазифасидир. Зеро, журналистикани тўртинчи ҳокимият дейишади. Юқорида таъкидланган икки қонунинг қабул қилиниши журналистикани амалда тўртинчи ҳокимият даражасига кўтаришнинг кафолати бўла олади.

Мамлакат ичкарисидаги воқеаларгина эмас, дунёнинг турли жойларида бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга журналистларимиз ўз муносабатлари, давлатимиз, ҳукуматимиз нуқтаи назарини ифода этмоқдалар. Бу халқаро журналистикамиз тобора такомиллашиб бораётганини билдиради.

Мен доим бир нарсани ўйлайман. «Нью-Йорк таймс», «Дейли телеграф» деганда кўз ўнгимизга дунё биладиган газеталар келади. Бутун дунёда уларнинг ўқувчилари бор. Қачон бизнинг газеталаримиз ҳам дунё давлатларининг катта қисмига кириб борар экан? Одатда, бирор бир давлатта саноат корхоналаримиз маҳсулотлари кириб боришидан қувонамиз, миллий сармоямиз кириб борди, деймиз. Бироқ газеталаримизнинг бошқа давлатларга кириб бориши сармоя кириб боришидан оз аҳамиятта эга эмас. Чунки газеталар билан бирга мустақил давлатимизнинг миллий сиёсати, ўзбек давлатининг нуқтаи назари, сиёсий йўли ҳам ўша давлатга кириб борган бўлади.

Эрталаб газетани қўлга олган ҳар бир киши аввало унинг кўринишига, қиёфасига аҳамият беради. Газеталаримизда мавзу ранг-баранглиги, маъно ва мантиқ теранлиги, қамров кенглиги яққол кўзга ташланиш билан бирга уларнинг дизайни ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Дизайн бугунги газета ишининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Ҳар бир нашр фақат мақолаларнинг мазмунига эмас, газетани кўркам, чиройли қилишга ҳам катта аҳамият бермоқда. Газеталаримизнинг икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш пайтлари ортда қолди. Ҳар бир нашр ўз қиёфасини изламоқда, ўз қиёфасига эга бўлишга интилмоқда. Бу борада, масалан, биз Европа ва Осиё мамлакатларида, Америкада босилиб турган газеталардан ижодий ўрганишга уринмоқдамиз. Бугунги газета шакл жиҳатидан ҳам жаҳон газеталари андозасига мос бўлмоғи керак.

Журналист ҳар куни оқ қоғоз билан юзма-юз келади. Оқ тонгларни бедор қаршилайди. Унинг ниятлари ҳам, орзу интилишлари ҳам қоғоздек оқ, тонгдек беғубор бўлиши лозим. Журналистларни, ўз халқининг виждони, дейишади. Мен касб байрами арафасида ҳамкасбларимга миллатнинг қоғоздек оқ, тонгдек беғубор виждонлари бўлиб қолиш саодатини тилайман.

ТАФАККУР УФҚЛАРИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида **Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.** Унда туман ҳокимлари, шаҳар бошқарма ва муассасалари, жамоат ташкилотлари, зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Матбуот ва оммавий ахборот воситалари қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати адиб Иброҳим Ғафуров, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири, Олий Мажлис депутати Азим Суюн ва бошқалар йиғилишда сўзга чиқиб, **давлатимиз раҳбарининг бу китоби ўзининг ёрқин келажагини кураётган халқимиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилишини, зеро унда мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган бунёдкорлик йўлига теран назар ташлангани, юртимиз келажаги, халқаро, минтақавий ва ички муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилаб берилганини таъкидладилар.**

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

ЎзА.

***

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти китоби билан танишув ва унинг мутолаасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Бу хусусда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов маъруза қилди. **Мамлакат тафаккур салоҳиятини намоён қилиб турган бу асар марказида — жондан азиз Ватанимиз тақдири, халқимизнинг келажаги билан боғлиқ ҳаётий омиллар таҳлили турибди,** деди маърузачи.

Вилоят «Камолот» жамғармаси раиси Боймурод Юсупов, «Нуроний» жамғармаси раиси Соҳиб Усмонов, Ғузор тумани халқ таълими бўлими мудири Ҳусниддин Нуриддинов, Қарши Давлат университети ректори Назар Ҳакимов асар мутолааси билан боғлиқ мулоҳазаларни баён этишди.

Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Озод Пармонов асар ва ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ҳақида гапирди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг китобини бухороликлар ҳам зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тақдимот маросимида вилоят жамоатчилиги вакиллари, маданият ва маърифат ходимлари, ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Президент Девони масъул ходимлари Нарзулла Жўраев, Қуддус Аъзамов, «Халқ сўзи» газетаси бош муҳаррири Аббосхон Усмонов, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими раиси Ортиқ Вафоевлар **давлатимиз раҳбарининг мазкур китоби аҳамияти ҳақида гапирдилар. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлларида ушбу китоб муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтирдилар.**

Тақдимот маросимида Бухоро вилояти ҳокими Самойиддин Ҳусейнов қатнашди ва сўзга чиқди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги асрнинг янги асари

БИР ҲОВУЧ ТУПРОҚ

Яқинда Тошкент Давлат аграр университетида «Тупроқдан оқилона фойдаланишнинг экологик жиҳатлари» мавзуида республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

— Республикамизнинг олтинга тенг, инсон ҳаёти, келажаги учун хизмат қиладиган тупроғи бор, — деди илмий-амалий конференцияни очар экан Тошкент Давлат аграр университети ректори, профессор Ҳасан Бўриев. — Шу Ватан барчамизники бўлгани сингари ана шу Ватаннинг олтин тупроғини авайлаш, эъзозлаш ҳар бир фуқаронинг иймонига айланмоғи лозим.

Конференцияда тупроқ муҳофазаси бўйича сўзга чиққан профессорлар Ходимат Махсудов, Лазизахон Ғофурова, Панжи Узоқов ва бошқа олимларнинг маърузалари қизиқиш билан тингланди. Анжуман иштирокчилари ўзаро фикр алмашдилар.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон — АҚШ

ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ҲАМКОРЛИК

Бундан минг йиллар илгари буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний Атлантика океанининг нариги томонида Америка тупроғи мавжудлигини башорат қилиб ўз тафаккури ила бу қитъага ташриф буюрган бўлса, ўтган йилнинг 23-28 июнь кунлари мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Америка Қўшма Штатларига — қитъанинг энг йирик давлатига борди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва АҚШ мамлакатлари ҳамкорлик алоқалари ривожида янги босқични бошлаб берди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан бўлган учрашуви ташрифга алоҳида аҳамият ва салмоқ бахш этганлигини таъкидлаш жоиздир.

Ўзбекистон — Америка муносабатлари тарихида ғоят муҳим бўлган бу учрашувда ўзаро алоқаларни ривожлантириш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик масалалари хусусида фикр алмашилди.

Президент Клинтон учрашувда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг мустақиллиги, улардаги барқарорлик, бу давлатларнинг равнақидан жуда манфаатдор эканлигини таъкидлади. Айни чоғда у АҚШ Ўзбекистоннинг Ғарб билан мустаҳкам алоқа ўрнатишида, қўшни давлатлар билан амалий муносабатларни йўлга қўйишда, шунингдек жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ёрдам бериш учун жиддий куч сарф қилажагини таъкидлади. Учрашувнинг яна бир аҳамиятли томони — АҚШ раҳбарияти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг етакчи мавқеини эътироф этиб, у билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятидалигини баён қилди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримов билан учрашув чоғида АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботнинг Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги муносабатларнинг яхши ривожланиб бораётгани, бу муносабатларни ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий масалаларда ҳам янада чуқурлаштириш зарурлиги ҳамда АҚШнинг Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги барқарорлаштирувчилик ўрни, унинг Афғонистонда урушни тўхтатиш ва Тожикистондаги таранг вазиятга барҳам беришни назарда тутган ҳолда минтақада тинчликни сақлаш ва қарама-қаршиликни тўхтатиш борасидаги Ўзбекистон раҳбарияти ташаббусларини қўллаб-қувватлаши ҳақидаги фикрларини мамнуният билан қайд этиш жоиздир.

Юртбошимиз ташриф давомида АҚШ давлат департаменти, конгресс вакиллари, мудофаа вазири ва бошқа вазирлар, жаҳон банки президенти, бир қатор шаҳарлар губернаторлари ва ишбилармонлар билан ҳам учрашди, мулоқотда бўлди. Бу учрашув ва мулоқотларда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Дарвоқе, бугунга келиб мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатлари давлатлараро алоқаларнинг ғоят муҳим йўналишлари бўйича изчил ва собитқадамлик билан ривожланиб бораётганида айнан мана шу ташриф ва мулоқотларнинг аҳамияти беқиёсдир. Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади. Қўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёнига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.



Айни чоғда мамлакатимиз АҚШ компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатлари ўрнатишга, Америка капиталининг республикамиз бозоридаги иштироки кенгайишига алоҳида аҳамият беряпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда 200 дан зиёд АҚШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатяпти. Улар орасида «Ньюмонт майнинг», «Кейс», «Боинг», «Агротек», «АИГ», «Моторолла», «Каргил интерпрайзес» ва бошқа ўнлаб фирма ҳамда компаниялар мавжуд.

Шу ўринда Америка хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш корпорацияси (ОПИК)нинг Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун қўшаётган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур корпорация бундан уч йил олдин 20 дан зиёд АҚШ компаниялари раҳбарларининг юртимизга ташрифини уюштириб, икки томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига кўмак берганди. Айни пайтда ОПИК Ўзбекистонда иш юритаётган АҚШ компанияларининг 200 миллион долларлик сармояларини, кўплаб лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Америкага Ўзбекистон расмий делегациясининг юқоридаги ташрифи давомида хориждаги хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорациясида табиий газ заҳираларини ишлаб чиқиш бўйича, энергетика соҳасидаги Америка — Ўзбекистон лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 400 миллион доллар ажратилиши назарда тутилган протокол «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва ОПИК, «Ипрон ойл энд газ компани» ўртасида имзоланди. Шунингдек, «Тексако» компанияси ОПИК ёрдами билан яқин вақт ичида бутун Марказий Осиёдаги эҳтиёжни қоплаш учун Ўзбекистон ҳудудида ўзининг мойлаш материалларини ишлаб чиқаришга киришади.

Бугунга келиб Ўзбекистон — Америка қўшма корхоналари сони ҳам кундан-кунга ортиб бораяпти. «Зарафшон-Ньюмонт», «Супертекстил», «Аскон», «Ўздунробита» ва қатор ўнлаб қўшма корхоналар америкалик сармоядорлар билан биргаликда ташкил этилган.

Бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, Америка Қўшма Штатлари билан ҳукуматлараро даражада ҳам, жамоат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар орқали ҳам муносабатларимиз ривож топаётгани эътиборга лойиқдир. АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), АҚШ ахборот хизмати (ЮСИС), Савдо ва Адлия вазирликлари томонидан молиявий таъминланаётган дастурлар бўйича мамлакатимизда миллий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик давом этмоқда. Кейинги 3-4 йил ичида бу дастурлар доирасида Ўзбекистоннинг 861 фуқароси, жумладан уларнинг 451 нафари АҚШда касб ўрганди ва таҳсил олди. Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, Америка коллежлари консорциуми, Америка Тинчлик корпуси каби халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Ҳозирга келиб Ўзбекистон — Америка университетини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда ўқишини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси яқинда Американинг «Боинг» компанияси билан тузган шартномага кўра, миллий кадрларимиз самолётсозлик, бизнес ва менежмент соҳасида АҚШдаги йирик университетларда билим оладиган бўлишди.

Шу маънода Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий муносабатларни ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган қўшма комиссия диққатни тортмай қолмайди. АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бёрнснинг таъкидлашича, АҚШ расмий Тошкент билан кўп томонлама яқин муносабатлар ўрнатиш тарафдоридир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлик алоқалари кундан-кунга ривож топиб, мустаҳкамланиб боряпти. Бинобарин, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилаётганини жаҳон ҳамжамияти етакчи сиёсатчилари ҳам эътироф этишмоқда.

Ҳа, бугунга келиб мустақил Ўзбекистон АҚШ билан, қолаверса дунёнинг барча мамлакатлари билан ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биляпти. Чунки, юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» деб номланган янги асарида тўғри таъкидлаганларидек, «Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради». Шубҳасиз, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда айнан шу ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш йўлидан бораверади.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Матбуотчилар ҳаётидан

ТАҲРИРИЯТ ТАБИАТИ

Умрни оқар дарёга қиёслайдилар. Ойларни қувиб йиллар ўтади. Кекса авлод ўрнини ёшлар эгаллайди. Бу — ҳаёт қонуни.

Устозлар ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Устоз отангдан улуғ, дейишади. Урганасан-ўргатасан. Йиллар ўтиб, устозлар олдидаги бурчингни бажаргандек бўласан. Вақт эса кутмайди.

...Таҳририятнинг «юраги» мусаҳҳиҳлар, дейишади. Уларсиз газета чиқаришни тасаввур этиб бўлмайди. Дастлаб шу ерда таълим олдим. Газетачилик йўл-йўриғию, кишилар билан муомала қилиш сирсиноатини ўргандим.

...Бир куни кеч соат 24ларда газета «ёпилди». Машинада кета туриб Шоҳадар ака: қанийди ҳозир бир лаган қулбола палов, бўлсаю.., деб қолдилар. Қорин «пиёзпучоқ» бўлиб турганида... Нигора опа: йўқ нарсани гапирманг, Шоҳ.., деган бўлдилар. Маъсуда опа эса: «уйингизда бўлса, тўхтаб ўтармидик», дедилар. Гап билан бўлиб Шоҳайдар аканинг уйларига етиб келдик. У машинадан тушаркан: «Пусть будет така, но дасть молока», марҳамат тушинглар, «ош бўлмаса, карам шўрва бор», дедилар. Бир неча кун эслаб кулиб юрдик.

Матбуот соҳасида ишлайдиган инсон борки, ўзининг илк чоп этилган «материали»ни эслаб юради. Ишга келгач кезларим эди. «Америкалик ўғилнинг совғаси» деган кичкина хабар тайёрладим. Кимга топширишни билмай бир неча кун ўзим билан ҳам олиб юрдим. Ниҳоят юрак ютиб таниқли қаламкаш Умида опа Файзиевага кўриб беришларини илтимос қилдим. «Ўтиринг, укажон», дедилар жой кўрсатиб. Ҳаяжондаман. Хаёлимда минг бир фикр. Ниҳоят: «жуда яхши ёзибсиз...», дедилар. Устоз опамизнинг ана шундай ҳислатлари кўп. Қаттиқ гапириш, биров билан айтишиш у кишига ёт.

Газетчиликни шовуллаб турган бугдойзордаги комбайнга қиёслагим келади. Ўзи ўради, янчади, йиғади, тайёрлайди... Бизнинг ишимиз ҳам шундай. Ўрни келганда ҳар бир сонга кунлик материал тайёрлаш керак. Бу борада Ахборот ва спорт бўлими мудири Ҳайдар Носировдек ёши улуғ, лекин ёшлардек елиб югуриб, меҳнат қиладиган инсонлар кам. Ҳар куни эрталаб котибиятга келадиларда: «Хўш Алимқул (масъул котибимиз), бугун спортга қанча жой бор?» деб сўрайдилар. У кишининг «туширадиган» материаллари учун газета саҳифасини ажратсангиз ҳам кам деяверинг...

Устоз одоб-ахлоқ, каттага-ҳурмат, кичикка-иззатда бўлиш ҳақида кўп насиҳат берадилар. Соатлаб ўтирган кезларимиз ҳам бўлган. Сабр-бардошни, касбга садоқатни ҳозирги ёшларимиз Ҳайдар акадан ўрганишса ёмон бўлмас.

Орамизда Миршароф Муҳсимов, Исмоил Сулаймонов, Юнус Зиёдов, Абдулла Пулатов, Ҳамид Икромов, Бозорбой Жумабоев, Солиҳа Раҳимова, Ёқутхон Холмуҳаммедова, Марфуа Абдуқодирова, Лаъли Йўлдошева каби кўпни кўрган, пасту баланднинг қадрига етадиган, газетамизнинг фахри бўлган инсонлар кўп. Улар билан ғурурланса арзийди.

«Ишлаганда қулдай, юрганда бекдай бўлинглар, деб кўп такрорлайди бош муҳарриримиз. — Инсон ишлашни ҳам, яшашни ҳам билиши керак». Ўтган қисқа вақтлар ичида муштарийларимиз янада кўпайди. Газетамизнинг ўқимишли, халқимизнинг дидига мос, кўнгил тубидаги муаммоларини ёритишда Аслиддин Болиев, Салим Ашуров, Норбобо Шакаров, Алимқул Султонов, Курбон Эшматов, Саида Йўлдошева, Алишер Рўзиев, Мирбахтиёр Мирфайзиев, Равшан Шодиев, Эркин Эсиргадиев, Ислом Ҳамроев, Мунира Азимова, Меҳрибон Қурбонниёзова ва бошқа кўплаб ҳамкасбларимиз ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Ўзининг 80 йиллик ёшига қадам қўйган табаррук даргоҳимизда шундай инсонлар бор экан, мамлакатимизда ҳам газетамизнинг ўз ўрни, ўз овози борлигидан қувончларимиз чексиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ишчилари фаолиятидан лавҳалар.

Владимир МОЛГАЧЕВ ва Абдулғани ЖУМА олган суратлар.

ТАСИС: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА КАДРЛАР

Тўрткўл шаҳридаги агробизнес коллежида уч кун давомида Европа ҳамжамиятининг ТАСИС-ТЕФАП дастури доирасида ўқув семинари ўтказилди

А. Боймуҳамедов, ТЕФАП дастурининг маслаҳатчиси:

— Европа ҳамжамияти ёрдамида мамлакатимизда амалга оширилаётган ТАСИС дастурининг ТЕФАП лойиҳаси фаолияти давомида, яъни ўтган йил июнь ойидан буён 18 та ўқув семинарлари ўтказилди. Тўрткўлдаги ҳудудий семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ўқув юртларининг ўқитувчилари ва фермерлар иштирок этишди. ТЕФАП лойиҳаси қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган ўқув юртлари профессорлари ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш вазифасини мақсад қилиб қўйган.

Дастур раҳбарлари мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган ўқув юртларининг деярли барчасида бўлиб, ўқиш-ўқитиш ишлари билан танишдилар. Ўқиш дастурига киритиш учун 14та фан бўйича йўналишлар белгиланди. Улар қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти асослари, фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш кабиларни ўз ичига олади. Ҳозир ана шу йўналишлар бўйича чет эллик мутахассислар билан дастурлар тайёрланиб, ўқув қўлланмалари яратиш ишлари бормоқда.

Майк Жонс, ТЕФАП дастури раҳбари:

— Англиянинг Плимут университети қишлоқ хўжалик факультетини тугатгандан кейин коллежда ўқитувчи, қишлоқ хўжалиги таъминоти билан шуғулланадиган йирик компаниялардан бирида маслаҳатчи бўлиб ишладим. Бутун фаолиятим давомида фермерлар ишини ташкил этиш ва бошқариш муаммолари билан қизиқдим. Ана шу изланишлар натижаси «Бозор иқтисоди шароитида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва менежмент» ўқув дастурида тўла акс этган.

Европа ҳамжамиятининг ўзаро ёрдам дастурлари бўйича Ўзбекистондан олдин Чехословакияда, Польшада бўлганман.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлидан бораяпти. Мустақилликнинг қисқа даври ичида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Энди мамлакатингиз қишлоқ хўжалигига ишбилармон фермерлар керак. Ўзбекистонлик фермернинг психологияси ҳали бозор талабига тўла жавоб бермайди, унда ҳали хўжайинлик туйғуси яхши шаклланмаган.

ТЕФАП дастури бу соҳада сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, деб умид қиламан.

Ғ. Ҳожиев, Тўрткўл агробизнес коллежи директори:

— Республикамиз Президентининг миллий кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш йўлидаги жонкуярликларини мамлакатимиз ривожи йўлидаги яна бир дадил қадам, шунинг билан бирга ўқув муассасалари ходимларининг иш шароитини яхшилаш йўлидаги бир ғамхўрлик деб биламиз.

Коллежимиз қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлайди. Ўтган йилдан бошлаб менежмент бўлими ҳисобига мутахассисликлар сони яна биттага ошди.

Яқин йилларда муқаррар бўлган ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитига ҳозирдан тайёр бўлишимиз лозим. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 296-қарорини бажариш, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Иш юритувчилар тайёрлаш бўйича пуллик курслар ташкил этилди, хизмат кўрсатиш, кичик корхоналар фаолияти орқали ҳам даромад топилаяпти. Ҳали олдимизда ўқувни амалиёт билан мустаҳкам боғлаш, ўқув базасини яхшилаш вазифалари турибди.

Чет элларда бўлганимда оддий ишчи, фермернинг ҳам малака оширишга, ўқишга интилиши мени ҳайрон қолдирган. Бу табиий. Чунки ишчи малакасини оширмаса ишсиз қолади, фермер яхши даромад ололмайди.

ТАСИС-ТЕФАП дастури доирасида ўтказилган, «Бозор иқтисоди шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил қилиш ва менежмент» мавзуида ўтказилган ҳудудий семинар унинг қатнашчиларига дастлабки тушунчаларни берди. Биз энди бу борадаги дастурлар ва ўқув қўлланмаларни кутамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ЯНГИ ҚОНУНЛАРИМИЗ КУЧИ

1990 йилдан буён Денов туман ва шаҳар «Чағониён» газетаси муҳарририман. Икки марта Денов туман халқ депутатлигига сайландим. Мустақиллик, янгиланиш, ислоҳотлар соҳасидаги барча ютуқ, ўзгаришлар қатори айрим жиддий муаммолар ҳам кўтарилаётгани туфайли «Чағониён» обуначиларининг сони 1997 йилда 5 мингдан ошди. Иқтисодий тангликларга қарамасдан Денов туман ва шаҳар ҳокимликларининг яқиндан ёрдам бериб келаётганликлари туфайли 1990 йилдан буён газетамиз ҳафтасига узлуксиз икки марта чиқишига эришаётирмиз. Бу кенг газетахонларга кундалик ахборотларни, турли жанрдаги материалларни ўз вақтида етказилишини таъминлайди. Бироқ газетамизда танқидий мақолаларга кенг ўрин берилаётганлиги баъзи мансабдор шахсларга ёқмаяпти. Буни таҳририят журналистлари ташаббуси эканлигини тушунишни истамай, фақат муҳаррир сифатида шахсан менинг фаолиятим билан боғламоқдалар. «Чағониён»нинг танқидий чиқишларидан хулоса чиқариш ўрнига менга —газета муҳарририга мунтазам равишда зуғум қилишга уринмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сўнгги сессиясида қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилингач, биз журналистларга ҳам жойларда эътибор ўзгарди. Биз туман ва вилоят ҳокимларининг қўллаб-қувватлаши ва хайрихоҳлиги туфайли айрим ўзи хон, кўланкаси майдон раҳбарлар ишидаги камчиликларни дадил фош этмоқдамиз. Зеро, матбуот ҳамиша оз бўлса-да, жамиятимизда учраб турадиган айрим ижтимоий иллатлар илдизини қирқиш учун хизмат қиладиган воситадир. Бунда яқинда қабул қилинган, биз қаламкашлар ҳаётида катта воқеа бўлган қонунларимиз кучига таянмоқдамиз.

Зоир МАМАЖОН,
«Чағониён» газетаси муҳаррири.

МАЪНАВИЙ МАДАД

Ўйлаб қараганда, узоқ йиллар меҳнат қилган иш жойинг иккинчи уйингдек, сен билан ёнма-ён меҳнат қилган одамлар эса ака-ука, опа-сингилдек бўлиб қоларкан. Мен ишлаган катта даргоҳда қуда-анда бўлишиб, ўзаро қариндош бўлиб кетганлар анчагина.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни маъмурияти биз собиқ ишчиларни ҳам эсдан чиқармай қўллаб-қувватлаб турибди. Бу биргина менинг эмас, шу мўътабар даргоҳда узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган кўплаб отахон ва онахонларнинг ҳам миннатдорона фикридир. Яқинда моддий ёрдамлардан ташқари, XX аср романлари туркумига кирган ноёб асарларнинг совға қилингани маънавиятимиз, маданиятимизни бойитиш йўлида қилинган бебаҳо ҳадядир.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
меҳнат фахрийси.

ҚУВОНЧИМИЗ УЗОҚҚА БОРМАДИ

Балким бу ёзишга арзимас нарсадай туюлар. Лекин эрталабки ва кечки ишдан қайтишдаги асаббузарликлар буни ёзишга мажбур қилди. Эрталаб ишга шошасан. Бир оз автобус кутасан. Автобус охирига келганда фақат олди эшигини очиб билет текширишга тушади. Ваҳоланки, ҳайдовчи олдида икки кишилашиб текширишади. Наҳотки, иккала эшикни очиб текширишни иложи йўқ. Бунга мисол қилиб 115, 85, 64, 53, 46, 9, 19 автобусларни айтишимиз мумкин. «Истиқлол-Ялангоч» маршрути бўйича қатновчи 165-автобус қатновдан олиб ташланди-ю йўловчиларга яна қийинчилик туғилди. Шу маршрут бўйича 53-маршрут микроавтобусини ҳамда 115-автобусни, «Қорақамиш»-«Истиқлол» бўйича қатновчи 85-автобусни ҳамда «Бирлик» — «Пахтакор», «Пахтакор» — «Истиҳоат» бўйича қатновчи 64, 46-автобусларни йўловчилар соатлаб кутиб қолишаяпти. Автобусни интиқ кутиб, келганидан кейин чиққанингда ҳам уларнинг ҳар бир бекатда 4—5 минутлаб туришлари киши асабига тегмоқда. Масалан 115-автобус ҳайдовчиларига расм бўлиб қолган «Микрорайон», «Тоштурма» бекатларида куннинг қизиғида 5—7 минутлаб туришлари жуда ортиқчалик қилаяпти. Кейин 19-автобус билан бирбирини қувиб баъзи бекатларда тўхтамай ўтиб кетишлари ҳам кишини ранжитяпти.

Маъсуда ЁҚУБОВА,
Мунира АЗИМОВА,
Тошкент шаҳри.

Эътироф

Ўзбекистон ва Корея халқлари ўртасидаги самимий дўстлик ва ҳамкорлик ривожланишига ишонаман.

Че, Ёнг-Ха

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Че Ёнг Ха бир гуруҳ журналистлар билан учрашув ўтказди.

Учрашув сўнггида элчи жаноблари «Ўзбекистон овози» газетаси учун махсус интервью берди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон-Корея ўртасидаги икки томонлама ривожланиб бораётган алоқаларнинг бугуни ва келажаги ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Ўзбекистон-Корея ўртасидаги алоқаларнинг бугуни ҳақида гапиришдан олдин, мен аввало, давлатларимизнинг дўстона муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бугунги маданий-маърифий, айниқса, иқтисодий ҳамкорликдан эса ҳар икки томон тенг манфаатдордир. Бугунги кунда зўр муваффақият билан ишлаб турган кўплаб нуфузли компанияларимизнинг, яна бир қанча бошқа қўшма корхоналарнинг истиқболли ҳамкорлиги ҳақида ғурурланиб айта оламан. Ўз навбатида ўзбекистонлик

ИМКОНИЯТГА БОЙ ЮРТ

ишбилармонларнинг Кореяда фаолият юрита ётгани қувонарли, албатта.

Алоқалар равнақига келсак, ўтган йили давлатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 750 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шу йилнинг тўрт ойи мобайнида бу кўрсаткич 500 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ҳамкорлигимизнинг истиқболли келажагидан нишона, деб биламан.

Президент Ислом Каримовнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Ҳарбий кишилар мамлакатдаги тинчликнинг қадр-қийматини бошқалардан кўра чуқурроқ англайдилар. Шу ўринда собиқ ҳарбий сифатида бу одилона сиёсатнинг нечоғлиг аҳамиятлилигини яна бир бор эътироф этаман.

Ўзбекистонда кейинги олти йил ичида амалга оширилган буюк ўзгаришларни эса «қисқа муддатда — катта сакраш» деб ҳисоблайман. Мамлакатдаги барқарор тинчлик юртбошингиз бугунги жаҳон сиёсат майдонидаги катта обрў-эътибори билан ҳам боғлиқ. Зеро, тинчлик иқтисодий тараққиёт мезони. Юртда тинчлик барқарор экан, хорижий инвестициялар ўша ерга интилаверади. Бундан 35—40 йил илгари Корея ҳам худди шундай жараённи бошидан кечирганди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш билангина бундай иқтисодий танг вазиятдан юксалиш йўлига чиқиб олганди. Тез орада Корея жаҳон бозорига маҳсулот чиқара бошлади. Ишончим комилки, Ўзбекистон ҳам тез орада жаҳон бозорида «яловбардорлик»ни қўлга олади, четга маҳсулот чиқара бошлайди.

Ўзбекистон ер ости, ер усти бойликларига кон, халқингиз таъбири билан айтсам «Хизир таёғи теккан юрт».

— Жаноб элчи, куни кеча яна бир иқтисодий ҳамкорликка асос солинди. Кореянинг боорбў Хёнг Де компанияси вице-президенти жаноб Чонг-Монг-Хан бошчилигидаги делегация Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводи қуриш режаси билан келишди. Бу компаниянинг ҳамкорлиги ривожланиб кетишига ишонасизми?

— Хёнг Де компаниясининг дунё миқёсидаги имконият даражаси жуда кенг. Бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун фақат иқтисодий фойда келтиришига аминман. Чунки компания бу борада катта тажрибага эга. Ҳеч қачон шеригига панд бермаган ва панд еб қолмаган ҳам. Ўзбекистонда ҳам ишбилармонлар жуда истеъдодли. Чунки бу юртда газ, кўмир, нефть конлар заҳиралари кўп. Ер ости бойликларини ўзлаштириш бўйича ҳам давлатингиз жаҳон бозорида бемалол рақобатлаша олади.

Бу мамлакатни улкан иқтисодий ўсишга олиб келади.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида ўзининг тўғри тараққиёт йўлига биринчилардан бўлиб чиқиб олди. Ўзбекистон бу

ХАЛҚАРО ШАРҲЛОВЧИЛАР

Сиёсий шарҳловчилар оммавий ахборот воситаларининг зарбдор, жанговор гуруҳидир. Уларнинг масъулияти катта, юмуши оғир. Мустақил мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати олий мақсадларини таҳлилий асосда ёритиш ва тушунтириш, давлатимиз раҳбари И.Каримовнинг жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар бобида, халқлар тинчлиги ҳамда сайёрамиз осойишталигини мустаҳкамлаш соҳасида илгари сурган ғоя ва ташаббуслари аҳамиятини кўрсатиб бериш, халқаро ҳаёт воқеаларига тезкорлик билан муносабат билдириш — сиёсий шарҳловчиларнинг шу кунлардаги асосий вазифалари саналади.

Шуни айтиш лозимки, ўз навбатида кўп



АНТЕННА

Халқаро шарҳловчилар Талъат Солиев ва Файзи Шоҳисмоиловга

Гоҳо бўрон...
Гоҳо тўполон...
Гоҳо олов пуркайди қуёш.
Қулоқ қўйиб замин
кўксига
Сим антенна айлайди
бардош.
Бевош шамол бермоқ
бўлар панд.
Гоҳо қувнаб, гоҳ
титрар замин.
Антенна жим,
Ташвишларга банд
Кузатади ҳаёт оқимин:
Африкада тирикчилик
танг...
Ўқ узилди Афғонда ногоҳ.
Тель-Авивда, гоҳ
Заирда жанг... —
Барчасидан этар у огоҳ.
Ҳавас билан тикилиб
симга,
Мен бир ажиб ўйга
толаман.
Шарҳловчилар,
Сизни гоҳ унга
Муқояса қилиб қоламан.
Намоз САЪДУЛЛАЕВ.

сонли газетхонлар, телетомошабин ва радиотингловчилар ҳам уларнинг меҳнатини юксак қадрлайдилар. Сиёсий шарҳловчилар Шуҳрат Қосимов (марҳум), Талъат Солиев, Собир Қурбонов, Файзи Шоҳисмоилов, Қобилбек Каримбеков, Турсун Қоратоев, Қуддус Аъзамов, Азамат Зиёев ва бошқаларнинг эл орасида эъзозланганлиги мана шу сабабдан.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришганлиги эса сиёсий шарҳловчиларга қўш қанот бахш этди.

СУРАТДА: сиёсий шарҳловчилар чапдан ўнгга — Талъат Солиев, Собир Қурбонов ва Файзи Шоҳисмоиловлар «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ойда ҳаёт борми? Узоқ йиллар шу ҳақда баҳс юритдик. Дунё олимлари орасида ҳар хил фаразлар, мунозаралар давом этди. Одамзод Ойга чиқди. Баҳслар эса барибир тинмади. Негаки энди олдингидан ҳам мураккаброқ масалаларга дуч келди инсон. Кейинги пайтларда бизга «Ойдан тушган», «ўзга сайёраликлар» тинчлик бермай қўйди. Келгиндилар ҳақида тинмай ёзяпмиз. Ерликлар маълум маънода энди «келгинди»ларнинг кеп-кетишию ёки бошқа «ойликлар сайёраликлар билан гаплашаётган» одамлардан кўпда ҳайратланмайдиган ҳам бўп қолди. Лекин уларни ўрганиш, тадқиқ этиш борган сари қизиб боряпти.

Ўзга сайёраликларнинг пайдо бўлиши. Ҳа, энди ана шу устида бош қотира бошладик. Жаҳон матбуотида эса «ойдан тушган тухум»лар ҳақидаги «ўта махфий сир» хусусида турли шов-шувлар, миш-мишлар тўқиляпти. Балки бу миш-мишларда жон бордир.

Чорак асрдан буён «ўта махфий» тарзда сақланган сир нима? Балки буни сир тутишга ҳожат ҳам йўқдир. Гап шундаки 1972 йилнинг 28 декабрида «Аполлон 17» космик кемаси парвоз чоғида Ойдан ғалати 3 та тухумсимон жинсни олиб тушган. НАСА эса қолганларини 27 йил сир тутиб келганди.

Хорижий ҳамкасбларимиз ўта синчков. «Сир» кетидан улар ҳам баб-баравар чорак аср «қувлашди». Ниҳоят бошқа «сирниям» очишди. Айтиш мумкинки, бутун дунёга сенсация шов-шув бўлган воқеанинг гувоҳи бўлишди: тухумлар «туғибди». Тухум ҳам туғадими? Ахир тухумдан бола очилади-да. Тухум туғаркан. Ойдаги тухумларнинг шов-шувлигиям шу асли. Битта тухум сигир — ҳўкиз «туғди». Иккинчиси сичқон, учинчиси тўнғиз. Во ажабо! Тухумнинг усти оқ-қора доғлар билан қоплангандi.

Бу ҳайвонларни айнан ҳўкиз, сичқон, тўнғиз дейиш сал ноўринроқдир балки. Ўхшаш десам тўғрироқ бўлар, Барибир ёқа ушларли даражадаги ғайритабиий ҳодиса-ку?! Тўғри, ҳозир биз бундан ҳам ғайриоддий воқеаларнинг шоҳиди бўляпмиз. Аммо бу ҳайвонларнинг ғайриоддийлиги Ойдан тушганлиги деб ўйлайман. Яна қизиқ томони, Ойда ҳаёт бор-да.

Билмадим бу фикр балки баҳс-мунозаралидир. Шу ўринда Шарқ мунажжимлари, башоратлари, мучаллари, фалсафаси хусусида эслатиб ўтмоқчийдим. Чунки ўша «махфий тухум»лардан дунё олимлари тадқиқот жараёнида «шарқ мунажжимчилигининг сирлари» билан қандайдир боғлиқлик борлигини қайд этишган. Лекин тухумларнинг тўнғиз-сичқон-ҳўкиз тарзида жойлашганлиги мени анчайин ўйлашга мажбур этди. Чунки мучалларимиз айнан шу тартибда давом этмайдими? Йиллар бежизга худди шу тизимда давом этмаса керак. Балки келгиндиларнинг ғайриоддий афтангорлари ҳам шундандир.

Миллионлаб йиллар илгариям Ойдаги «тухум туғиши»ни ерликлар билишгандир. Тадқиқ этишга тиришгандир. Тадқиқотнинг бу томни олимлар ҳукмига ҳавола. Лекин фараз қилишга ҳар кимнинг ҳам ҳаққи бор-да. Ҳозирча ҳўкиз, сичқон, тўнғизсимон ҳайвон-

ОЙДАН ТУШГАН ТУХУМЛАР

ЁКИ ЧОРАК АСРЛИК «СИР»

ларнинг кейинги тақдирлари барибир ҳаммага «сир»лигича қоляпти. Вақти келиб ҳамкасбларимиз бунинг ҳам тагига етишар.

Шов-шувлар кўп. Айниқса, хорижда сенсация-шов-шувлар ҳаётий заруратдек гап. Назаримда миш-мишларнинг замиридаям қандайдир ҳақиқат ётади. Шу пайтгача минг махфий бўлмасин «ойдан тушган тухум»лар ҳақида мавҳум бўлсада, фаразларни айтишарди.

Биз бундай шов-шувлар ҳақида аввалари кўпда ёзмасдик. Шунданми дунёдаги шов-шувларни сал бошқачароқ қабул қиламиз. Айтайлик, шу тухумларни. Кимдир «ҳа, тушса тушибди Ойдан тухум», «Нима осмон узилиб ерга тушибдими?», яна биримиз «бўлмағур олди-қочдидир» ёки «демак ўзга сайёраликлар тухумдан чиқаркан-да» деган шошилинч хулоса чиқариб қуя қоламиз. Бундай воқеаларга пичинг билан қаровчиларни оқламайман. Бу шов-шувлардан чуқур фалсафий хулосалар чиқариш, фикрлаш ўринли деб ўйлайман. Чунки Ер ҳам «ёлғиз» эмас-ку. Ўзга сайёралар, Ой, Қуёш-ҳаммаси орасида назаримда қандайдир «яхлитлик» бордек. Ўзга сайёраликлар ҳақида фикрлаш ҳам маълум маънода ўз ўтмишимизни тиклашдек туюлади менга. Лекин уларнинг оламига бутунлай «шўнғиб» кетиш, ортиқча ҳиссиётга берилиш тарафдориям эмасман. Айниқса, мен ўзга «одам»ни кўрдим, гаплашдим», «менга осмондан хабар келди», «гаплашаман», «башорат қиламан» дегувчилар кўпайиб боряпти. Балки улар ҳақдир. Менимча, ғайри-оддий воқеаларни тийрак нигоҳ билан кузатиш, тафаккурлаш ўринли. Йўқса, шунчаки шов-шувлар остида сақланаётган «сир»лардан бехабар, том маънода хабарсиз қолишингиз мумкин.

Санда БОНУ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Лондонда Уимблдон теннис турнири очилди.

* * *

Виктор Черномирдин Нью-Йоркда бир қатор амалий учрашувлар ўтказди.

* * *

Россия Давлат думаси вакилларининг Қирғизистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

* * *

Борис Немцов Хитой билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама этади.

* * *

Виктор Черномирдин ва Альберт Гор сармоядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи комиссия тузишга келишиб олди.

* * *

Россия ташқи алоқаларни ривожлантиришда МДҲ давлатларига устун нигоҳ билан қарамоқда.

* * *

Борис Ельцин НАТОнинг июль ойида бўладиган саммитида қатнашмаслигини маълум қилди.

* * *

«Немис тўлқини» радиостанциясининг маълум қилишича, аҳолиси 81 миллион 500 минг кишидан иборат Германияда 7 миллион 300 минг чет элликлар яшайди. Шулардан 2 миллион атрофида турклар, 1 миллион 800 минг киши эса Европа Иттифоқи мамлакатларидан келганлардир.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Москвадаги «Космос» меҳмонхонасида «Гиёҳванд моддаларни ноқонуний тарғиб этиш ижтимоий муаммоси билан боғлиқ давлат ва жамият муносабатлари» мавзуида конференция ўз ишини давом эттиради. Конференция гиёҳвандликка қарши кураш халқаро ассоциацияси, Россия ҳукумати ҳамда Интерполь бош котибияти томонидан ташкил этилган.

* * *

Россия ҳукумати делегациясининг АҚШга расмий сафари якунланди. Делегация бизнес конференция ва бошқа тадбирларда иштирок этди. Ушбу маросимлар Валерий Чкаловнинг Шимолий ярим шарга бўлган парвози муносабати билан ўтказилди.

* * *

Страссбургда Европа кенгаши ассамблеяси парламентининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

***

Белгия пойтахти Брюсселда қуруқликдаги асларларга қарши қўлланадиган миналар муаммосига бағишланган халқаро конференция ўз ишини давом эттирмоқда. Унда Россия федерацияси кузатувчи сифатида иштирок этади.

* * *

Сурия нинг Латакия шаҳрида Араб давлатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви ўз ишини бошлади. Унда Араб давлатлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, «умумий араб бозори» ташкил этиш ҳақидаги таклиф муҳокама этилади.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Тайвань армияси кенг миқёсдаги ҳарбий ўқув машқларини бошлади, дея ёзади «Ассошиэйтед Пресс». Машғулотларда авиация, ҳарбий денгиз флоти ва қуруқликдаги қўшинлар биргаликда иштирок этмоқда. АҚШ Тайванни машғулотларни қолдиришга, Гонконг Хитой тасарруфига ўтадиган 1 июль арафасида эҳтиросларни алангалатмасликка чақирди.

* * *

«Рейтер» маълумотига кўра, Президент Билл Клинтон «Америка шаҳарларининг қайта туғилиши» режаси билан чиқди. Президент ўз режасини Сан-Франциско да очилган шаҳар мэрлари конференциясида маълум қилди. Қарорда, жумладан, шаҳар марказларидаги уйларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига ярим баҳода сотиш ҳақида айтилган. Президент шу йўл билан шаҳарларнинг марказларида хотиржамликни мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

* * *

«Майнпост» газетаси Германияда болалар жиноятчилиги муаммосига бағишланган мақолалар беришда давом этади. Газетадаги мақолага кўра, тарбияси оғир болаларга ёрдам бериш учун тузилган кўп сонли жамоат ташкилотлари болалар орасида жиноятчиликнинг ўсишида ҳукумат сиёсатини айбламоқдалар. Болалар орасида жиноятчиликнинг ўсишига асосий сабаб уларнинг иш тополмаслик муаммосидан қўрқишлари ҳамда маиший турмушнинг қолоқлигидир. Мутахассисларнинг фикрича, бу муаммонинг мураккаблашувида ёвузлик, зулм ва зўравонлик лавҳаларидан иборат фильмларнинг ҳам таъсири катта бўлмоқда.

* * *

Вьетнам урушининг олдини олиш мумкин эди, деди АҚШ собиқ мудофаа вазири Роберт Макнамар «Рейтер» агентлиги саволларига берган жавобида. Унинг айтишича, 3 миллион 600 минг кишининг ёстиғини қуритган бу урушнинг олдини олиш учун Вьетнам ҳам, АҚШ ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаган. Масалан, 60 йиллар ўрталарида Вашингтон ва Ханой сиёсатчилари француз генерали Шарл де Гол таклиф этган Вьетнамнинг нейтралитети борасидаги таклифни рад этганлар. Агентликнинг маълум қилишича, АҚШ Вьетнамнинг Осиё қитъасида коммунизм ва социализм ғоялари манбаига айланишидан чўчиган.

БУ САФСАТА ЭМАС

Ҳиндистонда мамлакат президентлигига номзодларни рўйхатга олиш бошланди. Президентлик сайлови шу йилнинг 14 июль куни бўлади. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, ҳозирча номзодлар рўйхатида 64 нафар даъвогар бўлиб, улар орасида Ҳиндистон Бош вазири ўринбосари Кочерил Раман Нараянан, Марказий сайлов қўмитасининг собиқ раиси Т.Н.Сешан ва мамлакатдаги турли сиёсий партияларнинг кўзга кўринган вакиллари бор.

* * *

Сурияда Сурия, Миср ва Форс кўрфазидаги олтита араб давлатларининг ташқи ишлар маҳкамалари вакилларининг учрашуви бошланди. Унда Яқин Шарқ можаролари билан боғлиқ масалалар муҳокама этилмоқда.

* * *

Мексика кино юлдузи — Вероника Кастро шу йил Москвага сафар қилишни мўлжалламоқда. Актриса хоним ташрифи чоғида москвалик мухлисларига «туҳфа» тариқасида ўзи бош ролни ижро этган «Кичик қишлоқ, катта дўзах», деб номланган кўп қисмли фильмни олиб келмоқчи. Маълумки, Вероника Кастро машҳур «Бойлар ҳам йиғлайди» ва бошқа кўп қисмли телесериалларда ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган балоғат ёшидаги қиз образини яратган. «Кичик қишлоқ, катта дўзах»да эса у ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрган аёл сифатида намоён бўлади.

***

Японияик саёҳатчи — Мицуро Оба жаҳонда биринчи бўлиб Шимолий муз океанини пиёда кесиб ўтишга муваффақ бўлди. 44 ёшли Мицуро Шимолий муз океани бўйлаб «Салб юриши»ни шу йил 23 февраль куни бошлаб, 3 майга қадар Канада ороллариигача бўлган 1730 километр масофани босиб ўтган. Мицуро Оба ушбу зафаридан илгари Шимолий қутбни кесиб ўтишга уч маротаба ҳаракат қилган ва ҳаммаси муваффақиятсизлик билан тугаган эди. Ҳатто, 1995 йилги навбатдаги сафар давомида қаҳратон совуқ натижасида оёқ бармоқларидан ажралса ҳам, матонатли Мицуро ўз йўлидан қайтмади.

СОҲИБ ЎҒРИНИ ТУТМОҚЧИ ЭДИ...

Шунақасиям бўлади

Нью-Йоркдаги нуфузли меҳмонхоналардан бирининг хўжайини хазинага тушаётган пулдан барака кетаётганини сезиб қолди.

«Пулнинг чўғи паст, тагига етганим бўлсин!» соҳиб шу хаёлга бориб, ҳеч кимга сездирмай меҳмонхона ресторанидаги касса тепасига видеокамера ўрнатиб қўйди.

«Ўғрининг шундай адабини берайки», ўз ишидан мамнун қўлини-қўлига ишқалаб, бамайлихотир хонасига кириб кузата бошлади у.

Аксига олиб, ҳадеганда ўғри қурғур кассага яқинлашавермади. Ресторан менежери бўлса одатдагидек ўз жойида иш билан машғул. Шу пайт официант қизлардан бири тўсатдан менеджерга яқинлашди: чарм курткасини ечди. Уларнинг ишқий саргузаштларини томоша қилиб, соҳибнинг ҳуши учди..

Афсуски соҳиб ҳам уларга «чалғиб» ўғри қандай келиб кассадан «тегишини» ўмарганини сезмай қолди...

Бу ишқий саргузашт менеджерга қимматга тушди. Меҳмонхона соҳиби барча «камомад»ни ундан нақдига, қуртдек қилиб санаб олди.

Қизиғи, ўғрининг яна ҳамёни тўлгани қолди.

минтақанинг марказида жойлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек халқи қадимдан савдогарликнинг, тижоратнинг пири бўлган.

Мен ўзбек халқининг ўта меҳнатсеварлигини кўриб бунга яна бир бор инондим. Ўзбек тўйининг таъриф-тавсифини биламан. Миллий урф-одатлари, анъаналарини кўриб халқларимиз ўртасидаги яқинлик, руҳий бир ўхшашликни тобора яққолроқ ҳис этяпман.

«Ўзбекистон овози» мухбири Санда ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

СЎЗ САНЪАТИНИ ҚАДРЛАБ

Адабиётшуносликда ўз ўрнига эга мунаққид, ажойиб олим, маънавий гўзал инсон Абдуғафур Расулов шу кунларда ўзининг 60 ёшини қаршиламоқда.

Олимнинг умр мазмуни Тошкент Давлат университети билан боғлиқ. 1954—1959 йиллар университет толиби, 1967—1997 йилларда ТошДУ доценти, 1996 йилдан буён ўзбек филологияси факультетининг декани лавозимида ишлаб келмоқда.

Абдуғафур Расулов бутун меҳнат фаолияти давомида олим адабиётшунослик вазифасини ўқув-тарбиявий соҳаси билан мужассам равишда олиб бормоқда. У 1959 йилдан бери Қарши пединститути ва Тошкент университети аудиторияларида ёшларга ўзбек адабиётшунослигидан маъруза ўқиб келади. Шу билан бир қаторда у филология соҳасининг билимдони, таниқли олим, адабий танқидчи сифатида шаклланиб борди.

Унинг маърузаларини тинглаган ҳар бир талаба бутун борлиқни унутиб адабиёт уммонига шўнғийди. Олам-олам таассурот оғушида сеҳрли ижод йўлига кириб келган ўзига хос овозга эга бўлган қанчадан-қанча ёш ва умидли шоиру ёзувчилар, олиму мунаққидлар ижодига мана шу маърузалар асос-боис бўлган бўлса, ажаб эмас!

У 1960 йилдан бери талабаларнинг педагогик амалиёти машғулотларида иштирок этади. 1969 йилдан бошлаб мунтазам равишда Ўзбекистон телевидениесида ўзбек адабиётидан мактаб ўқувчиларига сабоқ беради. Унинг телесабоқлари ҳақида матбуотда ижобий фикрлар кўп айтилган.

Абдуғафур Расулов шу кунгача ўзбек адабиётшунослиги бўйича 200 дан ортиқ илмий, адабий-танқидий мақолалар чоп эттирди. «Янги замон — янги қаҳрамон», «Ўзбек насри тараққиёти», «Танқидчилик уфқлари» монографияларини, «Озод Шарофиддинов», «Олим ва таржимон» каби адабий рисолапортретларини, «Ўзбек адабий танқидчилиги» дарслигини (Н.Ҳудойберганов билан ҳамкорликда) нашр эттирди.

А.Расулов республикамизда биринчилардан бўлиб «Ўзбек танқидчилиги тарихи» фанидан маърузалар ўқий бошлади. Шу соҳа бўйича уч марта (1982, 1987, 1997) дастур тузди ва дарслик (1990) чоп эттирди.

Абдуғафур Расуловнинг олимлик салоҳияти, фикр ва туйғулари ўзи таҳлил қилаётган асар қаҳрамонлари билан уйғунлашиб кетади. Бетакрор, кўпқирали мунаққидлик услуби унинг истеъдодли танқидчи эканидан далолат.

Маълумки, 1991 йилдан кейин ижтимоий-маданий ҳаётимизда бошқа соҳаларда бўлгани каби, бадиий адабиётни баҳолаш ҳам янги мезонлар асосида амалга оширила бошланди.

Республика умумтаълим мактабларида, олий таълим муассасаларида бадиий адабиётни ўқитиш, унга баҳо бериш, сўз санъаткорларининг адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилаш янги тамойиллар асосида тубдан ўзгарди. Ана шундай мураккаб, нозик пайтда Абдуғафур Расулов Ўзбекистонимизнинг миллий мафкураси заминини аниқ ҳис қила олди. Биз олимнинг кейинги йиллардаги мақолаларида, телекўрсатувлардаги мулоҳазаларида бадиий адабиётни баҳолаш меъёрлари ҳақида тугал маълумотлар оламиз. Бу маълумотлар халқ таълими ва олий ўқув юртлари мутахассислари учун замонавийлиги, мантиқийлиги, аслий ҳақиқатга яқинлиги билан қимматлидир.

Биз Абдуғафур Расуловнинг ҳамкасблари, муҳтарам олимимизнинг муборак 60 ёши билан табриклаймиз ва унга мустаҳкам соғлиқ, ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
Тожихон СОБИТОВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

1

Эҳтиром

«ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ» ЎЙЛАНМАСИ



Азиз муштарий!

Қуйида таърифлари баён этилган сўзларни топиб, шаклда «занжир» ҳолида ёзиб, машқни ҳал этинг.

1. Мамлакатимиздаги дастлабки йирик нашриёт. 2. Ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини миллий истиқлол учун курашга йўналтиришга хизмат қилган, 1917 йилда нашр этила бошланган газеталардан бири. 3. Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси газетаси. 4. Бадиий ижод тури. 5. Асримиз бошларида «Хуршид» газетасини ташкил этган, сиёсат ва маърифат арбоби, Тошкентда жадидлик ҳаракати раҳбари. 6. Ўзбек тилида, араб алифбосида чиқарилган биринчи босма нашр муаллифи. 7. Мамлакатимиз ҳарбийлари газетаси. 8. Жойлардан ёзилган воқеабанд мақола. 9. Матбуот ходими, ижодкор. 10. 1871 йилда нашр этилган биринчи ўзбек тилидаги босма нашр номи. 11. «Маҳалла» хайрия жамғармаси нашри. 12. Энг дастлабки дарслик. 13. 1913—1915 йилларда Самарқандда нашр этилган журнал. 14. Республикамиз матбуоти ривожига муҳим ҳисса қўшган етук зиёлилардан бири. 15. Мамлакатимиздаги социал-демократик партия нашри. 16. Ижодкорлар анъанага кўра ўзларига қўйиб олган «ном». 17. Матбуот соҳаси ривожланиб келган шаҳарлардан бири. 18. Бирор шоир шеърларининг қофия ёки радифларига кўра, алифбо сираси билан тартиб этилган тўплам. 19. Ишлаб чиқаришнинг босма асар чоп қилиш соҳаси. 20. Ёшлар учун асарлар нашр этувчи матбаа бирлашмаси. 21. Йигирманчи йиллар арафасида нашр этилган газета. 22. Энг кекса нашриёт — матбаа концерни. 23. Мукаммал, тўлиқ луғат нашри. 24. Соҳа нашрларидан бири. 25. Асримиз бошларида чиқа бошлаган газета. 26. Саҳифаларни безатувчи. 27. Абдулла Қодирий, Ғози Юнус каби истеъдод соҳиблари ташкил этган журнал. 28. Босилган матндаги хатоларни тузатувчи нашриёт ходими. 29. Мустақил газеталардан бири. 30. Ўзбекистон матбуотига асос бўлган, фаолияти Абдулла Авлоний томонидан юқори баҳоланган газета номи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 26-iyun, payshanba № 74 (22.158).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Тадбиркор ва ишбилармон жаноблар диққатига!

Ўзбекистон — Россия — Швейцария

"ШОШТРАНС"
қўшма корхонаси акционерлик жамияти

Барча турдаги юкларингизни манзилига аниқ ва бешикаст етказиб беради. Ҳамма турдаги юкларни сақлайди ва божхонада ҳужжатларингизни расмийлаштириб беради. Бунинг учун корхонанинг "Тошкент" товар станциясида ҳар бири 350 кв. метрли 2 та, жами 700 кв. метрли ёпиқ омборлари мавжуд. Бундан ташқари, Бухоро-2 станциясида ҳам 700 кв. метрли ёпиқ омбор бор.

Ўзбекистоннинг Қўқон, Бухоро, Термиз шаҳарлари, Туркманистоннинг Ашгабат, Қозоғистоннинг Алмати шаҳарларида ҳам юкларни вагонларга ҳамда контейнерларга ортиш бўйича филиаллар ташкил этилган. Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро вилоятларида тегишли равишда Марғилон, Андижон, Ахтачи ва Бухоро-2 филиаллари ташкил этилди.

Йирик тоннали контейнерларни қабул қилувчиларнинг ва юк жўнатувчиларнинг омборларига етказиб бериш учун автотранспорт иши йўлга қўйилган.

Мурожаат учун манзил:

Марказий офис — Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7.
Телефонлар: 33-79-07, 59-57-09. Факс: 56-45-98.

"Шумилов" станциясидаги офис: Тошкент шаҳри, Чуқурсой кўчаси, 82.
Телефонлар: 48-56-84, 48-17-03, 48-22-20.

Кўча тасодифларга тўла

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРЛИ БЎЛСА-ДА, ЭҲТИЁТКОРЛИКНИ УНУТМАНГ

Мамлакатимизда автомобиль саноати тобора ривожланиб бориши натижасида йўлларимиз машиналарга тўлиб бормоқда.

Бироқ, транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчиларнинг маҳорати замон талабига жавоб бермаётгани сезилиб қолди. Кўпгина ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари оқибатида кўчаларимизда кунгилсиз ҳодисалар юз бераётир. Масалан, Тошкент шаҳар Давлат автомобиль назорати маълумотларига қараганда, шу йилнинг беш ойи ичида шаҳримизда 915 марта йўл-транспорт ҳодисалари юз берган. Бунинг натижасида 92 нафар киши нобуд бўлди. 132 киши эса оғир тан жароҳати олди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, айрим ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларини билатуриб унга амал қилмайдилар. Ҳатто маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарадилар.

Содир бўлаётган кўпгина йўл-транспорт ҳодисаларида бевосита пиёдалар ҳам айбдордирлар. Утган беш ой ичида юз берган фожиаларнинг 70 фоизи пиёдаларнинг иштироки билан юз берди. Натижада 25 киши ўлди. 314 киши эса турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга етказилди. Маст ҳолда юрган пиёдалар йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтаверганлари оқибатида ҳам кунгилсизликлар юз бермоқда. 46 та ҳодисада маст кишиларнинг айби борлиги қайд қилинди.

Айни пайтда келажагимиз ҳисобланган болалар ўртасида бўлаётган ҳодисаларни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Қисқа давр ичида йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 10 нафар ёш бола ҳаётдан кўз юмди. 230 ўғил-қиз эса оғир тан жароҳати олиб, касалхонага етқизилди.

Серқатнов автомобиль йўли чеккаларида ўқувчи болалар автомашиналарни ювиш билан шуғулланмоқдалар. Бу эса ариқларнинг сувни ифлосланишига олиб келяпти. Шу иш билан машғул болалар турли автомашиналарнинг заҳарли газларини ютмоқдалар. Ёзги таътил вақтида болаларга дам олишларига шарт-шароит яратиб бериш барча туман мутасадди раҳбарлари, маҳалла фаоллари, қолаверса, ота-оналар масъул бўлишлари лозим.

Яна бир гап. Шаҳар кўчаларидаги чорраҳаларда қаровсиз юрган болаларни кўрасиз. Бу ўз-ўзидан йўл транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши мумкин. Шу мақсадда ҳайдовчилар йўлларда, ҳайр-эҳсон сўраётганларга, айниқса, болаларга пул беришга йўл қўймасликлари лозим.

Агар пиёдалар катта харажатлар эвазига бунёд этилган ер ости йўллардан ўтганларида эди, болаларни қаровсиз қолдирмаганларида, юқорида эслатиб ўтилган фожиалар юз бермас эди. Ваҳоланки, мактабларда, болалар муассасаларида фарзандларимизга йўл транспорт қоидаларини ўргатишда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги билиниб қолди.

Давр шиддаткор. Одамларнинг ҳар дақиқа вақти қимматли. Бироқ шошганда ҳам эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Агар йўлда ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам ҳамжиҳатлик билан, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиб йўл-транспорт қоидаларига риоя этса, кунгилсизликларнинг олди олинган булар эди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ. *Биллур соврин учун чорак финал учрашувлари бошланди: «Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 1:1, «Насаф» — «Пахтакор» — 2:0, «Навбаҳор» — «Бухоро» — 4:1, «Дўстлик» — МҲСК — 3:1.*

КЕЧИКТИРИЛГАН ЎЙИНЛАР: *«Бухоро» — Афросиёб» учрашувида 0:1 ҳисоби қайд этилди. «Сурхон» футболчилари «Янгиер»дан (3:1) устун келишди. Бош терма жамоамизнинг халқаро ўйинлари муносабати билан 3 июль куни «Чилонзор» — «Бухоро», — «Насаф» — «Хоразм», «Дўстлик» — «Косонсой», «Зарафшон» — Атласчи», «Андижон» — «Суғдиёна» жамоалари майдонга тушадиган бўлишди. 5 июлда «Янгиер» — «Нефтчи», «Пахтакор» — МҲСК, «Навбаҳор» — «Трактор», «Афросиёб» — «Сурхон» учрашувлари бўлади. 9 июлда «Трактор» — «Насаф» футболчилари учрашадилар. 7 июлга мўлжалланган 15-тур ўйинлари бир кунга кечиктирилди.*

ЁЗ — СОЗ ЎТСИН!

СИЗ ҚАЕРДА ДАМ ОЛИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚЧИСИЗ?

Ўзбекистон касаба уюшмалари Санаторий-курортлар бирлашмасининг
ЙЎЛЛАНМАЛАР ТАРҚАТИШ БОШҚАРМАСИ

СИЗНИ РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ НОЁБ ТАБИИЙ ИҚЛИМ ОМИЛЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ САНАТОРИЙ-КУРОРТ МУАССАСАЛАРИГА ДАВОЛАНИШ ВА ДАМ ОЛИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида:
— Кўп тармоқли «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА (қон томир, юрак, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлари);
— «ЧИНОБОД» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва гинекологик касалликлари).
Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) боласи билан даволаниши мумкин.
Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА (овқат ҳазм қилиш аъзолари ва асаб касалликлари).
Махсус йўлланма бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.
— Кўп тармоқли «БЎСТОН» санаторийсига (қон-томир, юрак, асаб ва урологик касалликлари);
— «8 МАРТ» САНАТОРИЙСИГА (гинекологик касалликлари ҳамда бепуштлик билан оғриган эр-хотин даволанади);
— «ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА (нафас органларининг туберкулезга алоқадор бўлмаган касалликлари);
— «СЎҚОқ» дам олиш масканига (оилавий май-октябрь ойлари).
Андижон вилоятида:
— Кўп тармоқли «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА (қон-томир, юрак, асаб ва сурункали тери касалликлари).
Бухоро шаҳрида:
— «СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА (буйрак касалликлари) ёз фаслида (асаб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат органлари касалликлари).
Жиззах вилоятида:
— «ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА (нафас органлари ва асаб системаси касалликлари); Махсус йўлланмалар бўйича она (ота) 3 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.
Қашқадарё вилоятида:
— Қарши шаҳридаги «ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА (қон-томир, юрак, асаб, овқат ҳазм қилиш касалликлари органлари);
— «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА (нафас олиш органлари ва асаб системаси касалликлари).
Наманган вилоятида:
— Кўп тармоқли «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА (таянч-ҳаракат, овқат хазм қилиш органлари, асаб системаси, тери ва гинекологик касалликлари);
Махсус йўлланма бўйича она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.
— «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА (суяк-мушак, асаб, қон-томир, ва юрак касалликлари),
— Кўп тармоқли «НИҲОЛ» санаторийсига (овқат ҳазм қилиш органлари суяк-мушак, асаб системаси, буйрак касалликлари).
Самарқанд вилоятида:
— «АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА (таянч-ҳаракат органлари, қон-томир, юрак ва асаб системаси касалликлари).
Сирдарё вилоятида:
— «ҲОВОТОҒ» САНАТОРИЙСИГА (асаб системаси, таянч-ҳаракат ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари).
Фарғона вилоятида:
— Кўп тармоқли «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА (қон-томир, юрак, таянч ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик ва урологик касалликлари).
Махсус йўлланмаларга эга она (ота) 4 ёшдан 7 ёшгача (ёз мавсумида 14 ёшгача) бўлган боласи билан даволаниши мумкин.

БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархига сотилади.

Шу билан бирга санаторий-курортлар бирлашмаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, Ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизга ёрдам беради.

Йўлланмаларни нақд пулга, пул ўтказиш ва вексел билан олишингиз мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 58-85-68, 56-73-56, 56-78-15, 56-70-97.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 1 июль, сешанба куни чиқади).

Миробод туманидаги ИЧТФ «Миновар» корхонаси тугатилиши муносабати билан **ЁПИЛАДИ**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда 97-93-75 тел. орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси бош илмий ходим, ЎзРФА мухбир аъзоси Ҳожиакбар Раҳмонкуловга синглиси **САЖИБУВИ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент агро-тижорат коллежи жамоаси ўқитувчи Шавкат Азизовга рафиқаси **Раҳима АЗИЗОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М.ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА